



Истилодан аввал Русиянинг Туркистонга юборган ҳарбий (разведкачи)лари



Русия XVI асрдан бери Сибирь оркали Хитойга, Туркистон оркали Хиндистонга ва Кавказ оркали Эрон ҳамда Туркияга чиқиш мақсадида бўлса ҳам XVIII асрнинг бошларига қадар Туркистонга қарши тўғридан-тўғри ҳарбий юришни ташкил қила олмади (Макшеев, 64 - 65; Аминов, 63-бет. Бу қалъалар кейинроқ рус қисмларининг Ўрта Осиёга бостириб қиришида бошланғич таянч нуқта вазифасини ўтадилар.).

I Петр даврида Туркистонга юборилган ҳарбий разведка бўлинмалари махсус ва асосий гоё бўйича иш олиб боришни режалаштирган эдилар. Астрахон волииси 1713 йилда Астраханга келган туркман савдогари Хўжа Нафаснинг берган маълумотида таяниб, Петрга Хазар денгизи бир замонлар Амударё ўзани оркали Орол кўлига боғланганлигини, Амударёнинг ҳозирги қуйи қисмида ва Ёркент атрофида олтин қонлари борлигини баён қилди. Бу хабар натижаси ўлароқ Хўжа Нафасга «Рус барони» унвони берилган эди. Олтинга ўч бўлган Петрнинг олтинларни қўлга киритиш учун ҳарбий қисм жўнатишдан бошқа чораси йўқ эди. 1714 йил 22 майда у Бухгольцга Тобол ва Иртиш дарёлари йўли оркали Ёркентга (Шарқий Туркистон) кетиш амрини берди. Бу қисм 1716 йили Иртиш дарёсига етди, лекин ойратларнинг қаршилиги туфайли ўз мақсадига эриша олмади. Шу йили Бухгольц Омск қалъасини қурдирди. Бухгольц отрядининг мағлубияти I Петрга Русия Иртиш хавзасини

ўз ҳокимияти остига олиш учун кучли бир калъа бунёд қилиши кераклигини ўргатди. Шу сабабли 1720 йилда генерал Лихаревни Иртишга юборар экан, Еттитом (Семипалатинск) ва Уст-Каменогорск қалъаларини иншо эттирди(Н. Василевский, Очерки историко-географических сведений, 169-6.; Аминов, 63-6.).

1714 йил 29 майда I Петр Хивага қарши харбий разведка ташкил қилиш гоёсини илгари сурди. Бу харбий разведка раҳбарлигини Петрнинг мураббийси бўлмиш Б.А.Галинцевнинг қўёви ва наслонийликни қабул қилган Александр Бекович Черкасскийга (асл исми Давлат Киздан Мирзо бўлиб, қабардалиқ бир мусулмон эди) топширдил Черкасский 1713 йилдан бери I Петрнинг «Шарқ масаласи» бўйича мутахассиси эди. 1714 йил 28 сентябрда бу аскарий қўлсолиш (1900 аскар билан Оксус (Амударё) атрофида ҳаракат бошлади. Разведканинг бир қисми 25 апрель 1715 йилда Мангишлоқарим оролига қелди ва Русия тарихида илк бора Оксуснинг (Амударёнинг) қуйи оқимида изланиш ўтказди. 1715 йилнинг сентябрида бу харбий қисм Астраханга қайтди ва Черкасский I Петрдан харбий разведкага янги қўчлар жалб қилишни илтимос қилди.

1716 йил 14 февралда I Петр Хивага жўнатилган хайъат учун янги фармон ва Черкасскийга ҳаракат учун 13 моддадан иборат қўрсатма берди. Черкасский Хива хони беҳабар бўлган Амударёнинг Эски ўзани (Ўзбой ўзани ҳақида гап борапти) да 1000 аскарга мўлжалланган қалъа қуриши; хоннинг Русия ҳимоясига қиришини таъминлаши ҳамда Хива воситасида Бухорони асоратга олиш имконларини ва Хиндистонга борадиган йўللарни аниқлаши керак(Макшеев., 70-75-6; Васильевский, Очерк, 173-бет: «Бу юриш биз учун бошқача натижа берди: рус қисмларининг хивалиқлар томонидан қўчли зарбага учраши ўч олиш юриши ташкил қилишни такозо қиларди. Аслида, бу ҳолат уларни бизга аёвсиз душманга айлантириб қўйдик, энди буни ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди». Рус тарих илми ханузгача бу фожиаи юриш тарихи билан шугулланиб қолмоқда ва «буюк» I Петрнинг қайси ҳуқуққа биноан мустақил давлат бўлган, унинг чегарасидан анча олис бўлган Хивага ҳужум уюштирганлигига жавоб излар экан, айбни «қўзичоққа» - Хивага юқлайдилар.).1716 йилнинг илк баҳорида 6565 аскардан ташкил топган отряд (буларнинг орасида 500 татар, 32 қалмоқ, 22 черкас бор эди) 31 муҳандис ва 50 нафар фуқаро маъмурлари, таржимонлар, дипломатлар, 138 кема билан Хива ерларида ҳаракат қила бошлади. Ҳужум борасида юқорида номи зикр этилган Хўжа Нафас ва қозонлиқ Урахмед Аҳмедов йўлбошловчи эдилар. Рус қўчлари Хивага бормасдан олдинроқ Хива хони қалмоқлар хони Аюку Хон тарафидан оғохлантирилиши тарихнинг бир қисми эди. Чунки турк ва мусулмон бўлган ҳукмдорни рус отрядининг нияти ҳақида маълумот берган, оғох этган одам бирор турк ёки мусулмон эмас, балки буддист ҳукмдор эди.

1717 йилнинг илк баҳорида Черкасский 3500 аскар билан Хивага қирди. Шергозихон (1715 - 1727) Черкасскийдан бунча микдордаги аскарларни жойлаштирадиган маҳсус жой мавжуд бўлмаганлиги учун аскарларни уйларга тарқатишни илтимос қилди. Черкасский бу таклифни қабул этди. Фақат мингбоши Франкенберг Черкасскийнинг бу қарорига қарши чиқди, аммо сўзи ўтмади. Рус аскарлари уйларга жойлаштирилгач, хон уларнинг барчасини ўлдиришга фармон берди. Ҳақиқатан, Черкасский ҳам, бошқа бирон шахс ҳам соғ қолмади. Бундай тадбир Хоразм тарихида бўлмаган эди, зеро, хоннинг нияти ва амрига ҳеч қим ҳиёнат қилмади. Бу босқинчиларни маҳв этиш билан Хива мамлакатни истило этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат шу аҳволга тушади, деб Русияни оғохлантирган эди. Руслар бу фожиадан қўп нарсга ўргандилар. Аскарлар

кўлсоларнинг (Харбий разведканинг) ачинарли окибатини асло унутмаган холда ва дастлабки фурсатдаёқ Хивани жазолашни ният қилиб қўйдилар(1839 йил 12 мартда бош нозир ёрдамчиси, уруш нозири ва Оренбург волийси иштирокидаги ҳукумат мажлисида рус аскарларини озод қилиш ва рус савдогарларининг эркин савдо қила олиши учун Хива хонлигига қуроли таҳдид қилишга қарор қилинди. Л. П. Иванов. «Хивинская экспедиция», 127-6.). Русия бу мағлубиятдан сўнг Хивага муқобил зарба бериш учун ҳозирлана бошлади. Бу ҳозирлик зимдан, шов-шувсиз давом этди. Рус ҳукумати Орол қўлининг шимолида назоратни ўз қўлига олишга интиларди. Шу мақсадда Оренбург харбий қизигини яратишга киришилди.

1717 йилдан бери 122 йил ўтгач, рус ҳукумати 1839 йили Хивага қарши янгидан қуч ишлатишга, яъни хонликни ишғол этишга қарор қилди. Орадан ўтган 122 йил давомида танаффуслар билан бўлса ҳам, Хива тузуми, аҳоли ҳақида маълумот тўпладилар. Шу ниятда 1824 - 1825 йилларда П.Циалковский бошчилигидаги қуроли бир қарвон Хивага жўнатилди. Бу қарвон Хива томонидан асир олинди. 1826 йили полковник (Албай) Берг Орол қўлининг соҳили картографиясини ҳозирлади. Рус ҳукмдорлари 1838 йилда Хива хонини рус қуроли қучи билан бўйсундириш вақти келганлигига ишонди(К. К. Абаза, Завоевание Туркестана. 26-6. Русларнинг изоҳдашича, инглизлар Русиянинг Хивага яқинлашувининг олдини олиш учун Хивага 25 кишилик бир хайъат жўнатдилар, инглизлар Русиянинг бу ҳаракати Хиндистонга таҳдид қилади, деб ҳисоблардилар. Шунинг учун руслар Хивани шиддат билан, мумкин қадар тез босиб олишга қарор қилишди.). 1839 йилда генерал Перовский қўмондонлигида Хивага сафар уюштиришга қарор қилишди. Бу харбий бирлашма 14 ноябрь 1839 йилда 5217 аскар ва қузатувчилар бўлмиш 8000 бошқирд билан бирга 30000 от, 20000 туя ҳамда 22 тўп билан Хивага тўғри юриш бошлади.

Генерал Перовский: «Русия Хивани ҳеч қўз қўриб, қулоқ эшитмаган тарзда жазолаяжак» деган ўрон (парол)ни берди ва «Биз икки ойда Хивада бўламиз ва хонлиқнинг бошкентида биринчи навбатда хоч (крест) ва Инжил олдида рус подшосининг саломатлиги ҳамда ватанимиз шухрати учун дуо қиламиз», деди(Иванов, 85-86-6.).

Бу сафардан қўп томонлама мақсад бор эди: аввало, Хивани рус назорати остига олиш, рус савдогарларига хонлик ҳудудида эркинлик ҳуқуқий эришиш, руслар қўл остида яшаётган туркман ва козоқларни хоннинг таъсиридан узок тутиш; Сирдарё атрофидаги қалъаларни йўқ қилишга хонни мажбур қилиш ва ҳ.к.

Рус қўшини Хива қўшини билан илк дафъа 1 декабрь 1839 йилда Устюртдаги Беш Тумак воҳасида тўқнашди. Дастлабки жанг 5 декабрь 1839 йили бўлди. Руслар бу жангни бой бердилар. Рус аскарларининг руҳияти тушиб кетган эди. Бундан ташқари, Устюрт баландлигининг совуғига чидай олмадилар. Туяқаш козоқлар ҳам қишда қўлда дайдиған бирликларни қузатиб боришдан бош тортдилар. Аскарлар орасида ҳастал ик ҳам бошланди. Дастлабки жангда ютказган аскарларнинг жанговар қайфияти баттар тушиб кетди. Перовский Оренбургга қайтишга мажбур бўлди. Рус бирликларининг тирик қолганлари 1 февраль 1840 йили Оренбургга қайтиб келдилар.

Иккинчи мағлубиятдан сўнг руслар эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишга мажбур бўлдилар. 1852 йилгача Хива ва Қўконга қарши йирик харбий ҳаракатдан тийилдилар. Тўқнашувлар факат чегара шаҳар ва қишлоқлари билан чегараланди. Шунда ҳам 1852 йилга қадар Русия Сирдарёнинг қуйи оқимида ўз мавқеини ҳимоя этишга муваффақ бўлди. Масалан, 1847 йилда Райим қалъасини қуриши, Орол қўли ва Сирдарё хавзасида харбий нуктаи назардан мавқеларини мустаҳкамлаш учун ҳаракатлари бунга бир далилдир. 1854 йили

Хивага уюштирилган янги бир юриш ҳам юқоридагилар каби мағлубият билан тугади(Марков, Россия, 80-6; В. Я. Басин. О русско-казахских дипломатических отношениях., 1965., 45-6.).

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан